



ISSUES OF ENHANCING THE PROCEDURE AND EFFECTIVENESS OF CONSIDERING DRAFT LAWS IN THE LEGISLATIVE CHAMBER OF THE OLIY MAJLIS

Firdavs Kholnazarovich Sharipov
Independent researcher
Parliamentary Research Institute under
the Legislative Chamber of Oliy Majlis
Tashkent, Uzbekiston

ABOUT ARTICLE

Key words: lawmaking, Legislative Chamber, law, draft law, legislative process, discussion, reading.

Received: 19.12.25

Accepted: 20.12.25

Published: 21.12.25

Abstract: This article provides an in-depth analysis of the stages of the legislative process within the Legislative Chamber of the Oliy Majlis (Parliament), including their organizational and legal foundations, and practical effectiveness. Systemic issues encountered during the process of considering draft laws are identified and illuminated. Furthermore, the experience of foreign countries is studied, and scientific-theoretical and practical proposals aimed at the further improvement of parliamentary law-making are put forward.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Фирдавс Холназарович Шарипов
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги
Парламент тадқиқотлари институти мустақил изланувчиси
e-mail: firdavs1983xxx@gmail.com
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: қонун ижодкорлиги, Қонунчилик палатаси, қонун, қонун лойиҳаси, қонун ижодкорлиги жараёни, муҳокама, ўқиш.

Аннотация: Мазкур мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун ижодкорлиги жараёнининг босқичлари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва амалий самарадорлиги чуқур таҳлил қилинган. Қонун лойиҳаларини кўриб

чиқиш жараёнида учрайдиган тизимли муаммолар ёритилган. Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, парламент қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш бўйича илмий-назарий ва амалий таклифлар илгари сурилган.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПОРЯДКА И ЭФФЕКТИВНОСТИ РАССМОТРЕНИЯ ЗАКОНОПРОЕКТОВ В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПАЛАТЕ ОЛИЙ МАЖЛИСА

Фирдавс Холназарович Шарипов

Независимый исследователь

Института парламентских исследований при

Законодательной палате Олий Мажлиса

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова:	Аннотация:
законотворчество, Законодательная палата, закон, законопроект, законотворческий процесс, обсуждение, чтение.	В данной статье проведен углубленный анализ этапов законотворческого процесса в Законодательной палате Олий Мажлиса, их организационно-правовых основ и практической эффективности. Выявлены и освещены системные проблемы, возникающие в процессе рассмотрения законопроектов. Кроме того, изучен опыт зарубежных стран, и выдвинуты научно-теоретические и практические предложения по дальнейшему совершенствованию парламентского законотворчества.

Кириш. Давлат ва жамият таракқиётининг пойдевори сифатида қонунчилик нормалари халқ манфаатларининг олий ифодаси бўлиши ҳамда ҳуқуқий давлат принципларига мувофиқ адолатлилик ва тенгликни таъминлаши лозим. Бундай меъёрий талаблар, ўз навбатида, қабул қилинаётган қонунларнинг сифат даражаси юқори бўлишини, яъни, уларнинг ижтимоий самарадорлиги, ҳуқуқий аниқлиги ва тизимлилигини талаб қилади.

Шу сабабли, қонун қабул қилиш жараёни бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш тартибидан фарқли ўлароқ, ўзаро узвий боғлиқ босқичлардан иборат мураккаб жараённи ташкил этади. Бу ҳолат, бевосита, қонун ижодкорлиги фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва унинг босқичларини тизимли асосда такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу, ўз

навбатида, қонун ижодкорлигининг сифатини тубдан оширишга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларнинг самарадорлигини таъминлашга ҳамда ҳуқуқий тартибга солишнинг мукамаллигига хизмат қилмоқда.

Қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги жараёни қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият тартиби бўлиб, у ўз ичига қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига киритилган вақтдан токи қонун сифатида қабул қилиниб Сенатга юборилгунига қадар изчил тарзда амалга ошириладиган босқичларни қамраб олади. Бу босқичлар мазкур жараённинг фундаментал қисми бўлиб, қатъий кетма-кетликда амалга оширилади. Бу эса қабул қилинаётган қонунларнинг легитимлиги, сифати ва ҳуқуқий кучини кафолатлайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг тартиби ва босқичлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида [1], “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунда [2], “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунда [3] ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қарори билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламентида [4] мустаҳкамланган.

Тадқиқот методологияси. Мавзунини тадқиқ этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, тизимлилик ва босқичли таҳлил, мантикий таҳлил (дедукция ва индукция), статистик таҳлил ҳамда муаммоли таҳлил методларидан фойдаланилди. Шунингдек, ҳуқуқий-tizimli таҳлил ва қиёсий-ҳуқуқий ёндашув асосида эмпирик маълумотлар ва назарий концепциялардан фойдаланган ҳолда тайёрланган.

Таҳлил ва натижалар. Юқоридаги қонун ҳужжатларидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганидан кейин то қабул қилингунигача бўлган даврни бизнингча, саккизта босқичга ажратиш мумкин.

1-босқич. Қонун лойиҳасини рўйхатга олиш ва масъул қўмитани белгилаш.

Қонун лойиҳаси, шу жумладан муқобил лойиҳа Қонунчилик палатаси девонида рўйхатга олинган кундан эътиборан палатага расман киритилган ҳисобланади. Рўйхатга олишда лойиҳага унинг кўриб чиқилишининг бутун даври учун мўлжалланган ягона рақам берилади.

Қонунчилик палатаси Спикери лойиҳани мазмунига кўра кўриб чиқишга масъул бўладиган қўмитани белгилайди.

2-босқич. Қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилиш.

Мазкур босқич Қонунчилик палатаси томонидан қонун лойиҳасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш масаласини ҳал этишга қаратилган бўлиб, масъул қўмита қонун лойиҳаси

бўйича барча фракциялардан фикрлар ва таклифларни тўплаб, Кенгашга белгиланган муддатда хулоса тақдим этади.

Кенгаш масъул қўмита хулосаси ва фракциялар таклифлари асосида икки хил қарор қабул қилиши мумкин:

- қонун лойиҳасини қабул қилиш тўғрисида тўғрисида;
- қонун лойиҳасини ташаббускор субъектга қайтариш тўғрисида.

Қонун лойиҳаси кўриб чиқиш учун қабул қилинганда Кенгаш уни палата мажлисида кўриб чиқишга тайёрлаш муддатини белгилайди.

3-босқич. Қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш.

Шунингдек, яна бир гуруҳ инглиз тадқиқотчилари биринчи ўқишдан аввал қўмита муҳокамаларида экспертлар ва жамоатчиликни иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [5].

Қонун лойиҳасини дастлабки муҳокама қилиш ва уни Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш ишларига масъул қўмита бошчилиги қилади.

Бунда фракцияларнинг қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш яқунлари бўйича фикрлари ва таклифлари, Қонунчилик палатаси Девони тегишли тузилмаларининг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий экспертиза хулосалари масъул қўмита мажлисида кўриб чиқилади. Тайёрланган қонун лойиҳаси ва унга доир материаллар биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш учун масъул қўмита томонидан Кенгашга юборилади.

4-босқич. Қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш.

Биринчи ўқиш чоғида депутатлар томонидан: қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, концепцияси, унинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиялаштириш манбалари муҳокама қилинади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, қонун лойиҳасини киритган субъект уни биринчи ўқишда қабул қилингунига қадар лойиҳа матнини ўзгартириш ёки уни чақириб олиш ҳуқуқига эга.

Муҳокама натижалари бўйича Қонунчилик палатаси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

- қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилиш;
- қонун лойиҳасини рад этиш.

5-босқич. Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш.

Масъул қўмита биринчи ўқиш муҳокамасида тушган барча таклиф ва фикрларни ўрганиб, қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини ўтказди. Қонун лойиҳасининг маромига етказилган матни бўйича фракциялар ва ташаббускор субъектнинг фикрлари ва таклифлари олинади. Асосли деб топган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади. Сўнг, Қонунчилик палатаси Девонининг тегишли тузилмалари томонидан ҳуқуқий ва лингвистик экспертизалар ўтказилади.

Қайд этиш лозим, қонун лойиҳасини киритган субъект уни Қонунчилик палатаси иккинчи ўқишда қабул қилгунига қадар чақириб олиш таклифини киритиши мумкин.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама моддама-модда ўтказилиб, масъул қўмита томонидан маъқулланган ва маъқулланмаган барча таклифлар муҳокама қилинади. Агар иккинчи ўқишда қабул қилиш тўғрисидаги ёки моддама-модда овоз беришда бир ёки бир нечта модда зарур овозни тўпламаса, лойиҳа маромига етказиш учун масъул қўмитага қайтарилади. Қайта кўриб чиқишдан сўнг ҳам зарур овозни олмаса, лойиҳа рад этилган ҳисобланади ва ташаббус субъектига қайтарилади.

Лойиҳа иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул қўмита таклифига биноан учинчи ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қонунни қабул қилиш масаласи овозга қўйилиши мумкин.

Яна бир жиҳат, бир нечта қонун лойиҳаси жамланма қонун лойиҳасига бирлаштирилиши мумкин. Бу лойиҳа янги ном билан киритилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қароридан сўнг учинчи ўқишсиз, тўлалигича қабул қилиш бўйича овозга қўйилади.

6-босқич. Қонун лойиҳасини учинчи ўқишда кўриб чиқиш.

Масъул қўмита иккинчи ўқишда қабул қилинган тузатишларни инобатга олган ҳолда, қонун лойиҳасини маромига етказди. Учинчи ўқишда қонун лойиҳасига тузатишлар киритишга, қайта муҳокама қилишга йўл қўйилмасдан тўлалигича овозга қўйилади, яъни лойиҳа муҳокама қилмай қабул қилинади. Агар қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинмаса, у рад этилган ҳисобланади ва ташаббускор субъектга қайтарилади.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинганда “қонун” мақомига эга бўлади ҳамда тегишли қарорлар ва қиёслама жадвал каби зарур материаллар билан биргаликда ўн кундан кечиктирмай Сенатга юборилади.

7-босқич. Сенат томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқиш.

Қонунчилик палатаси Сенат рад этган қонунни қайта кўриб чиқишда қуйидаги учта асосий қарордан бирини қабул қилади:

келишмовчиликларни бартараф этиш учун Келишув комиссиясини тузиш;
қонунни палата томонидан аввалги қабул қилган таҳририда қабул қилиш;

қонунни қайта кўриб чиқишдан олиб ташлаш.

Агар Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан (2/3) иборат кўпчилик овози билан қонунни такроран маъқулласа, у Сенатнинг рад этишига карамай, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда қонун имзолаш учун Президентга юборилади.

Агар Келишув комиссияси тузилса, унинг хулосаси Қонунчилик палатасида кўриб чиқилади.

8-босқич. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилган қонунни қайта кўриб чиқиш.

Қайта кўриб чиқиш чоғида Қонунчилик палатаси қуйидаги учта асосий қарордан бирини қабул қилади:

- 1) Президент таклифларини инобатга олган ҳолда қабул қилиш;
- 2) бундан буёнги кўриб чиқишдан олиб ташлаш;
- 3) қонунни аввалги қабул қилинган таҳририда маъқуллаш.

Агар Президентнинг таклифлари қонунни янада такомиллаштиришни талаб қилса, Қонунчилик палатаси мазкур қонун устидаги ишни иккинчи ўқиш тартиб-таомилидан бошлаб давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Агар қонун кўриб чиқишдан олиб ташланса, бу ҳақдаги қарор Сенатга ва Президентга маълумот учун юборилади.

Фикримизча, ушбу саккиз босқичли таҳлил, қонун ижодкорлиги жараёнини нафақат тасвишлаб беради, балки унинг таркибий қисмлари, сиёсий динамикасини чуқур ўрганиш учун асосий илмий-методологик восита бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, мураккаб қонун ижодкорлиги жараёнини изчил ва мантиқий босқичларга ажратиш унинг таркибий қисмларини ўрганиш ҳамда ҳар бир босқичнинг ўзига хос мақсадлари, вазифалари ва натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Шу ўринда таъкидлаш керак, таҳлилларга кўра, Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги, хусусан қуйи палата томонидан кўриб чиқилиб қабул қилинган қонунлар сони йилдан йилга сезиларли даражада кўпайган.

1-жадвал

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар
(чақириқлар кечимида)**

3-чақириқ (2015-2019 йиллар)					
2015	2016	2017	2018	2019	жами
19	21	45	55	90	230
4-чақириқ (2020-2024 йиллар)					
2020	2021	2022	2023	2024	жами

72	96	88	100	80	436
----	----	----	-----	----	-----

Шу билан бирга, Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг тартиби ва босқичлари таҳлили бу борада тизимли муаммолар ҳамда эътибор кучайтирилиши лозим бўлган баъзи жиҳатлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасига ташаббускор субъектлар томонидан киритилаётган қонун лойиҳаларининг сифати етарли даражада эмаслиги тизимли муаммолардан бири ҳисобланади.

Қонун ишлаб чиқувчи субъектнинг асосий ва энг муҳим вазифаси илгари сурувчи ғояларини чуқур таҳлилдан ўтказишдир. Шунчаки “бардош бера олмайдиган лойиҳани” киритиш ярамайди. У парламентдаги муҳокамалар ҳамда (қабул қилинган) амалиётчиларнинг назоратидан муваффақиятли ўтиши керак[6].

Айрим қонун лойиҳалари депутатлар томонидан муҳокама этилиши жараёнида тубдан ўзгармоқда, баъзи ҳолларда қайтадан тайёрланмоқда. Лойиҳалардаги камчиликларни бартараф этишга кўп вақт ва ресурс сарфланмоқда. Баъзи мисолларни келтирамиз, учинчи чақириқда «Туризм тўғрисида»ги қонун лойиҳаси киритилган вақтида 26 моддадан иборат бўлиб, амалга оширилган ишлар натижасида 45 моддага айланган. Ушбу қонун лойиҳаси бутунлай қайта ишланиб, нормалар қарийб 70 фоизга ўзгартирилган. «Яйловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси 7 та моддаси чиқариб ташланиши натижасида дастлабки таҳрирга 80 фоизгача ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан қабул қилинган. Тўртинчи чақириқда кўриб чиқилган «Ўзбекистон Республикасининг Сув кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда «Судларнинг фаолиятига оид конституциявий кафолатлар кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари 60 фоизгача, бешинчи чақириқда кўриб чиқилган «Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси концептуал ва таҳририй тузатишлардан сўнг субъект томонидан киритилгандаги бошланғич матни 50 фоизга ўзгартирилган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Натижада ушбу қонун лойиҳалари тубдан такомиллаштирилиб, халқчил, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар сифатида қабул қилинган [7].

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Қуйи палата аъзолари шу пайтгача қонун лойиҳасининг концептуал масалаларидан ташқари уларнинг Конституция ва амалдаги қонунларга, қонунчилик техникасига мослигини таъминлаш билан ҳам шуғулланиб келган. Аслида депутатлар сифатсиз лойиҳаларни маромига етказиш билан банд бўлмасдан, асосий эътиборни қонунлар халқ манфаатини қанчалик ифода этишига қаратиши керак” [8].

Кўрииб турибдики, кўмиталар ва қуйи палата девони “хом” қонун лойиҳаларини кўриб чиқишга кўп вақт сарфлайди. Бу эса давлат учун ҳақиқатан ҳам муҳим ислоҳотларни кўриб чиқиш жараёнини сезиларли даражада секинлаштирмоқда. Айни пайтда қонунчилик ташаббусларини рўйхатга олиш босқичида саралашнинг самарали механизмлари мавжуд эмас. Шу сабабли, сифатсиз, яъни қонун лойиҳаларини расмийлаштириш қоидалари ва қонунчилик техникасининг асосий талабларига жавоб бермайдиган, жамоатчилик муҳокамаси ва тегишли экспертизалардан ўтказилмаган, етарлича ижтимоий-иқтисодий асосларга эга бўлмаган, тушунтириш талаб қиладиган терминологиядан фойдаланилган қонун лойиҳаларини рўйхатга олиш босқичидаёқ қатъийроқ саралаш орқали кўмиталар ва умуман қуйи палатага тушадиган юкни камайтириш лозим. Канада, Ҳиндистон, Австралия, Янги Зеландия, Ирландия, Япония, АҚШ [9] ва Буюк Британияда асосий қонун ҳужжатларининг лойиҳалари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи эга бўлган айрим давлат департаментларида эмас, балки марказлаштирилган тартибда тайёрланади [10]. Жумладан, Буюк Британияда Парламент маслаҳатчилари Девони фаолият олиб боради [11]. Бундан асосий мақсад юқори даражадаги илмий-академик, самарадорлик ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам қонун яратиш ҳамда ҳуқуқий сифатни таъминлашга қаратилган институционал ёндашувдир. Ушбу ёндашув “сифатли қонун” (“Good Law”) яратишга қаратилган бўлиб, марказий орган тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ҳамда уларнинг юридик хизмати билан ҳамкорликда фаолият олиб бориб, қонунчиликнинг имкон қадар изчил, тушунарли, ҳаётий ва самарали бўлишини таъминлашга қатъий риоя қилади.

Таклифимиз, мазкур тажрибадан келиб чиқиб, юқоридаги тизимли муаммони бартараф этиш учун миллий Парламентимиз қошида ҳам Қонун ижодкорлиги офисини (Parliamentary Legislative Drafting Office) ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Қонун лойиҳаларини алоҳида вазирлик ва идоралар томонидан эмас, балки марказлашган ҳолда тайёрланиши қуйидагиларни таъминлайди:

биринчидан, ягона услуб ва сифат: қонун ҳужжатларида ягона услуб, юридик терминология ва юқори юридик-техник сифатни сақлашни таъминлайди ҳамда мамлакатда қонунлар тўпламининг бир хил стандарт асосида шаклланишини кафолатлайди;

иккинчидан, ихтисослашган билим ва малакали мутахассислар: қонун лойиҳасини тайёрлаш юқори даражадаги малакаларни талаб этувчи махсус соҳа бўлиб, ушбу вазифаларнинг марказлаштирилиши мураккаб қонун ижодкорлиги фаолиятини фақат махсус тажрибага эга мутахассислар томонидан бажарилишини таъминлайди;

учинчидан, самарадорлик: марказлашган, ихтисослашган жамоа қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича умумий стандартлар, амалиётларни ишлаб чиқишга ва ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин. Бу бир вақтнинг ўзида бир нечта вазирлик ва идораларда қонун

лойиҳаларини тайёрлаш бўйича алоҳида ишчи гуруҳлар шакллантиришдаги такрорланишлар ва самарасизликларни бартараф этади ҳамда ресурслардан оқилона фойдаланишга олиб келади.

Демократик назарияга оид тадқиқотчилар, қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик ва экспертларнинг иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини белгилаш ҳамда ушбу жараёнга уларни кенг жалб қилиш муҳимлигини таъкидлайдилар [12].

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнларида экспертлар, олимлар, соҳа мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллариининг иштирокини янада кенгайтириш мақсадида қўмиталар ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашларининг [13] фаолиятини самарали йўлга қўйишга мақсадга мувофиқ. Аммо, таҳлилларга кўра, 2025 йил биринчи ярим йилида қўмиталар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларининг жами 15 та йиғилиши ўтказилган. Ваҳоланки, шу давр давомида Қонунчилик палатасида 123 та қонун лойиҳаси кўриб чиқишда бўлган. Шунга мувофиқ, қўмиталар томонидан қонун лойиҳаларини янада пишиқ-пухта тайёрлашда Жамоатчилик кенгашларининг салоҳияти ва имкониятидан умумли фойдаланилиши зарур. Бунинг учун Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги фаолиятига жалб қилинган жамоатчилик вакиллариини моддий ва маънавий рағбатлантириш механизмининг амалиётга жорий қилиниши ўзининг самарасини беради. Мазкур масала бўйича хорижий тажрибага юзланадиган бўлсак, Европа Иттифоқиға аъзо мамлакатларда қонун ижодкорлиғига бевосита ташқи экспертларни маблағ асосида жалб қилиш амалиёти йўлга қўйилган. Ташқи экспертлар хизматидан фойдаланиш бўйича Германия Бундестагининг Илмий-тадқиқот хизмати амалиёти эътиборға молик [14]. Яъни, жамоатчилик асосида фаолият олиб борадиган ушбу хизмат тадқиқотчилари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан доимий моддий рағбатлантириб борилади [15]. Бу ўз навбатида қуйи палатаниннг қонун ижодкорлиги фаолиятиға жамоатчиликнинг иштирокини янада кенгайтиришға, шунингдек ҳалқчил қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишиға хизмат қилади.

Хулоса. Умуман қайд этилганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни бир нечта изчил босқичларни ўз ичига олади. Албатта, ушбу босқичлар қонунларнинг сифатли ва адолатли бўлишини таъминлашға қаратилган. Қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш бўйича билдирилган таклифларнинг амалиётға татбиқ этилиши қонунларнинг сифати ва ҳалқчилигини янада оширишға, шунингдек парламент фаолиятининг очиклиги ва ишончилигини мустаҳкамлашға хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Rasmiy nashr. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023-yil.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2002 йил, 12-сон, 215-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Ахборотномаси, 2003 йил, 9-10-сон. 136-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
<https://lex.uz/docs/6205124>
5. Meg Russell, Bob Morris and Phil Larkin, “Fitting the Bill: Bringing Commons legislation committees into line with best practice”, London, The Constitution Unit, UCL 2013
6. Geoffrey Bowman, ‘Why is there a Parliamentary Counsel Office?’ (2006) Statute Law Review 26
7. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий архиви.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биринчи йиғилишидаги нутқи. 21.01.2020 йил.
<https://president.uz/uz/lists/view/3303>
9. https://en.wikipedia.org/wiki/Parliamentary_Counsel_Office
10. <https://www.gov.ie/en/office-of-the-attorney-general/organisation-information/office-of-the-parliamentary-counsel-to-the-governmentopc/#:~:text=Parliamentary%20Counsel%20are%20trained%20to,History%20of%20OPC>
11. <https://consoc.org.uk/office-of-the-parliamentary-counsel/>
12. Schmidt, Vivien A. (2013). “Conceptualizing Throughput Legitimacy: Procedural mechanisms of accountability, transparency, inclusiveness and openness in EU governance.”
13. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2025. № 2 (1587), 283-модда. 221-222-бетлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2025 йил 3 февралдаги 424–V-сонли Қарори.
14. Д.А. Козлов, Информационно-аналитическое обеспечение законодательной деятельности в Российской Федерации, диссертация, Коломна, 2005, 45 б.
15. <https://www.bundestag.de/resource/blob/980196/WD-4-070-23-pdf.pdf>